

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 49 (1648), 2026 йил 13 март, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК ВА КИБЕРЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 12 март куни кибержиноятлар ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар тақдироти билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда интернет тармоғида ахборот тарқатиш ва маълумот излаш имкониятлари кенгаймоқда. Жумладан, Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчиларнинг сони 31 миллиондан ошган бўлиб, шундан 14 миллиони ижтимоий тармоқлардан фойдаланмоқда.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарларнинг интернет ва ижтимоий тармоқлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари кун сайин ортиб бормоқда.

Хусусан, сўнги олти йилда юртимизда кибержиноятлар бўйича муҳофазатлар сони 48 бараварга ошган. Утган йилда содир этилган фирибгарлик жиноятларнинг 82 фоизи, ўғирлик жиноятларининг 76 фоизи кибермақомада содир этилган. Улар орқали жисмоний ва юридик шахсларга етказилган моддий зарар 2 триллион сўмдан ошган.

Таъкидланганидек, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг кескин кўпайиб бораётгани миллий қонунийликка шундай турдаги жиноятлар учун жазо чораларини оғирлаштириш ва кибержиноятларнинг янги шакллари учун жавобгарлик белгилаш бўйича нормаларни киритиш вақти келганини кўрсатмоқда. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ҳамда қўллаб-қувватловчи жабр келтираётган “молиявий пирамида” учун жазо чораларини кучайтириш мақсадга мувофиқ экани қайд этилди.

Фуқароларнинг ўз номларига расмийлаштирилган электрон тўлов воситалари ҳамда абонент рақамлардан фойдаланишда шахсий маълумотини ошириш мақсадида ўз номидagi электрон тўлов воситаси, криптохамёни, СИМ-картаси ва электрон аккаунтлардан кибержиноятчи содир этишда фойдаланишига йўл қўйганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаш таклифи қилинди.

Таъкидлаш керакки, бугун муҳим ахборот инфратузилмаси объектларига қарши қаратилган

киберҳужумлар натижасида катта салбий оқибатларга ва моддий зарар олиб келувчи киберҳужумлар глобал тус олиб, республикаимизда ҳам кузатишмоқда. Бу эса юридик шахслар ўз тасаруфидagi ахборот тизимларининг хавфсизлигини бугунги кундаги замонaviй таҳдидларга муносиб тарзда тақомиллаштириб бориши ва киберхавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратишини таъқозо этмоқда.

Шунга кўра, юридик шахслар томонидан ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя этмаганлик учун оқибат келиб чиққан-чиқмаганидан қатъи назар, маъмурий жавобгарликни белгилаш таклифи қилинди.

Ушбу амалиёт масофадан молиявий хизматларни кўрсатувчи банкларга ҳам тааллуқли бўлиб, улар ҳам ўз тизимларида фирибгарликларнинг олдини олиш бўйича ҳимоя ва хавфсизлик чораларини мунтазам тақомиллаштириб бориш заруратини юзага келтирмоқда.

Хусусан, ўтган йилларда 3 та банк тизимидagi заифлик туфайли 3025 нафар мижозга 17 миллиард сўм моддий зарар етказилган.

Шу нуқтан назардан, тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизлик талабларига риоя этмаганлиги натижасида содир этилган кибержиноят оқибатида юзага келган моддий зарар учун жавобгар бўлишини қонуниан мустақамлаш ташаббуси илгари сурилди.

Тақдиротида уюшган жиноятчиликнинг содир этиш шакли ва услублари янгиланиб бораётганини кўрсатиб ўтилади.

Уюшган гуруҳлар томонидан жамиятда юриштириш қондаларини очикчасига менсимасдан, ўзини қонунидан устун қўйиб, безорилик жиноятларини содир этганлиги еки безорилик жиноятининг оғир шаклларидан бири — ўқотар қуролни намойиш қилиб еки уни қўллаб ҳамда тақдоран содир этганлиги, шунингдек, жамоат тартибини

сақлаш вазифасини бажариб турган ҳоқимият вакилига қаршилик кўрсатган ҳолда содир этилганлик учун жазо чоралари бугунги кунда етарли таъсир кучига эга эмаслиги таъкидланди.

Шунингдек, сўнги вақтларда жанговар (аралаш) спорт турлари бўйича яширин равишда ноқонуний жанглр ташкил қилиниб, уларда ёшларнинг иштирок етаётгани кузатишмоқда. Бироқ бугунги кунда бунинг учун жавобгарлик чоралари мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилади.

Шу боис, қонуи ҳужжатларига мана шундай хавф-хатарларнинг олдини олиш, уларга қарши аёвсиз курашиш, бундай иллатни таг-томири билан йўқотишга қаратилган нормаларни киритиш вақти келгани таъкидланди.

Оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни содир этиш мақсадида жиноий уюшма ташкил этганлик, уни молиялаштирганлик, улар томонидан содир этилган жиноятларни яширишга ҳомийлик қилганлик, жанговар спорт турлари бўйича мусобақаларни ноқонуний ташкил этганлик ва ўтказганлик учун жиноий жавобгарликни белгиловчи, безорилик жинояти учун жазо чоралари кучайтиришни назарда тутувчи, шунингдек, қонуи зид равишда ташкил этилган жанговар спорт турлари бўйича мусобақаларда иштирок етганлик учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи нормалар киритиш таклифи этилди.

Муҳокама қилинган йўналишлар бўйича ишлаб чиқилган ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда уюшган ва жамоат жойларидagi жиноятчиликка қарши курашишнинг жиноий-ҳуқуқий механизмларини янада кучайтиришга қаратилган қонуи лойиҳалари тақдирот қилинди.

Президентимиз таклифларни маъқуллаб, мутақаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Ў.А.



Ислоҳот одимлари

Мамлакатимиз раҳбарининг алоҳида меҳри ва эътибори янги Ўзбекистонимиз тарихида бугун янги Қорақалпоғистонни барпо этишга қаратилган кенг қўламли бунёдкорлик ишларига мустақам асос бўлмоқда.

ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Хусусан, ҳудуднинг ялли ички маҳсулоти 2017 йилда 13,5 триллион сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йил бошида бу кўрсаткич 4 баробар ўсиши, яъни 52 триллион сўмни ташкил қилди. Корхоналар сони 29 мингтага етди. Бу 2017

йилдагига нисбатан 3 баробар кўп демакдир. Аҳоли жон бошига ялли ҳудудий маҳсулот қиймати 23 миллион сўмга тўғри келди. Ҳудудий корхоналарда саноят маҳсулотлари ҳажми 4,3 баробар кўпайди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот

ҳажми 7 триллион сўмдан 31 триллион сўмга ошган бўлса, 2025 йилги товарлар экспорти 2017 йилдагига нисбатан 14 баробар ўсиб, 450 миллион долларга етказилди.

Давоми 2-бетда



Шарҳ

РИВОЖЛАНИШ БАРЧАГА ДАХЛДОР БЎЛГАНДАГИНА УМУММИЛЛИЙ ЮТУҚҚА АЙЛанаДИ

Иқтисодий ўсиш ҳақида сўз юритганда, аввало, унинг моҳиятига назар ташлаш зарур. Ўсиш фақат йил якунида қайд этиладиган рақамлар эмас, балки ишлаб чиқариш ҳажми, бандлик даражаси, даромадлар барқарорлиги ва бозор фаоллигининг ўзаро боғлиқ ҳаракатидир. У иқтисодийнинг ички қуввати қай даражада ишга солингани, имкониятлар қай даражада самарага айланганини кўрсатади. Агар ушбу жараён чуқур таҳлил ва аниқ устувор йўналишлар билан қўллаб-қувватланмаса, кўрсаткичлар ўсиши мумкин, аммо мазмун жиҳатидан сезиларли ўзгариш кузатишмайди.

Ана шундай шароитда ҳар бир ҳудуд табиий, иқтисодий ва инсон ресурсларига таянганда мустақил қиймат яратадиган макон сифатида намоён бўлади. Ҳар бир тармоқ эса самарадорлик ва инновация асосида иқтисодий фаоллики таъминлайдиган муҳим бўғинга айланади. Юқори иқтисодий ўсиш айнан шу икки омил — ҳудудий имконият ва тармоқ салоҳияти уйғунлашганда барқарор тус олади. Акс ҳолда, ўсиш номунотаносибликка олиб келиши, салоҳият эса тўлиқ ишга солинмай қолшиши мумкин.

13 февраль куни давлатимиз раҳбари раислигида тармоқ ва ҳудудларда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Бугунги дунёда иқтисодий ўсиш оддий жараён эмас. Глобал иқтисодий узулқисиз ўзгариш ҳолатида: савдо йўллари қайта шаклланишда, йирик давлатлар ўртасидаги геосиёсий рақобат бозорларга бевосита таъсир кўрсатмоқда. Қўллаб-қувватланган мамлакатларда ўсиш суръатлари секинлашган, айримларида инфляция ва бюджет тақчиллиги муаммоси сақланиб қолмоқда. Бундай шароитда барқарор ўсишни таъминлаш иқтисодий фаоллик эмас, балки стратегик мувоzanатни сақлаш хусусиятидир.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК МИССИЯСИ

Бугун халқаро муносабатлар тизимида кузатилаётган геосиёсий кескинликлар, минтақаий можаролар ва транспорт коммуникацияларидаги зулишлар давлатлар олдига янги вазифаларни қўймоқда. Бундай вазиятларда ҳар бир давлат ўз фуқароларини ҳимоя қилиш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш борасида тезкор ва самарали қарорлар қабул қилишга мажбур бўлади. Бу эса дипломатия, транспорт логистикаси, консуллик хизмати ва халқаро ҳамкорлик механизмларининг уйғун фаолиятини талаб қилади.

Айни кунларда Яқин Шарқ минтақасида юзага келган мураккаб вазият ана шу масаланинг нақадар долзарб эканини яна бир бор намоён этди. Минтақада хавфсизлик муҳитининг кескинлашуви, айрим давлатларда ҳаво ҳудудларининг вақтинча ёпилиши ва халқаро авиакатновларнинг чеklangиши минглаб

одамларнинг ҳаракатланишига жиддий таъсир кўрсатди. Бу ҳолат, айниқса, Яқин Шарқ давлатларида меҳнат қилаётган, хизмат сафарларида саёхатда бўлган еки зиёрат амалларини адо етаётган юртдошларимиз учун муайян хавф-хатарларни юзага келтирди.

Давоми 2-бетда



Тараддуд

ЎЗГАРАЁТГАН ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ

Ерга эгаллик ҳуқуқи меҳнат ва масъулият билан чамбарчас боғлиқ

Жаҳон иқтисодиёти бугун анча мураккаб ва башорат қилиб бўлмайдиган даврни бошдан кечирмоқда. Геосиёсий зиддиятлар, иқлим ўзгариши, логистика занжирларидаги зулишлар ва бозорлардаги кескин тебранишлар глобал иқтисодий тизим қанчалик нозик эканини яна бир бор намоён қилди. Кечагина барқарор деб ҳисобланган иқтисодий муносабатлар қутилмаган синовлар қаршида турибди.

Айниқса, бугунги шароитда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи давлатлар учун стратегик аҳамият касб етмоқда. Чунки иқтисодий барқарорликни фақат молиявий кўрсаткичлар еки саноят ўсиши билан ўлчаб бўлмайди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ҳар қандай давлат мустақиллигининг энг муҳим устуларидан. Агар мамлакат ўз аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ташқи бозорларга ортиқча боғланиб қолса, глобал иқтисодий силжишлар ва бозорлардаги кескин ўзгаришлар унинг иқтисодий барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Давоми 4-бетда

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ВАЗИФАМИЗ — ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУҲАНДИСЛАР ТАЙЁРЛАШ



Давлатимиз раҳбарининг юртимиз ёшлари билан учрашувини кузатар эканман, саксон ёшни қаршилаётган олим ва устоз-мураббий сифатида уларга самимий ҳавасим келди. Қандай дориламон куларга етдикки, ўғил-қизларимиз чинакам эъзозу эҳтиромда, шахсан Президентимизнинг эътиборида. Шуларни кузата туриб, ўтган асрнинг 80-йилларида мен ва дўстларим билан содир бўлган бир воқеа ёдимга тушди. Биз — орзу ва шижоатга тўлган навқирон тадқиқотчилар докторлик диссертацияларимизни тайёрлаётганимизда бир гуруҳ “катта олимлар” томонидан “Нега булар ҳали 40 ёшга тўлмасдан фан доктори бўлмоқда?” деган ўринсиз таъналарга, қатор қаршиликларга учраганмиз.

Давоми 5-бетда



Ислохот одимлари

ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

Мурат АГАМУРАТОВ, Жўқорги Кенгеснинг Ижтимоий-маданий ривожланиш, ёшлар сиёсати, туризм ва жамоат бирлашмалари масалалари қўмитаси раиси



ер участкаларини тўғридан тўғри ажратиши давом эттиришга руҳсат берилиб, инвесторлар мажбурияти янада енгиллаштирилди. Яъни Нукус шаҳрида қўйимати камда 500 минг долларлик, Амударё, Нукус, Кўнгрот

миллиард сўм маблағи ўз ихтиёрида қолдирилди. Тадбиркорлар учун қўшимча имтиёзлар тақдим этиш мақсадида саноатни ривожлантириш бўйича 125 лойиҳага 188 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, лекин бўш турган 30 минг 720 гектар ер участкаси онлайн аукционга чиқарилиб, 1143 субъектга бўлиб тўлаш ҳуқуқи билан ажратилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг “Қорақалпоғистон Республикаси Вазиirlар Кенгаши хузурида Маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида 452 маҳалланинг ҳар бирига 500 миллион сўмдан, жами 228 миллиард сўм ажратилиб, маҳаллалардаги ижтимоий ва инфратузилма объектилариди қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилади.

Халқни бир неча йилдан буён қийнаб келатган 2500 га яқин муаммага ечим топилиб, Шунингдек, 452 маҳалладаги кўчаларнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди.

Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг ҳар бир фармони ва қарориди Қорақалпоғистонга эътибор қаратилиб, ҳудуд аҳолиси ва тадбиркорлари учун имтиёзлар берилмоқда. Ана шундай имкониятларни бутун аҳолининг ҳар бир вакили ўз ҳаётида ҳис этмоқда десак, муболага бўлмайди. Жумладан, Қорақалпоғистон ёшлари учун давлат ОТМларига ажратилган қўшимча квота асосида ўтган уч йилнинг ўзиди 31 мингга яқин йигит-қиз талаба бўлиш бахтига муяссар бўлди. 2022 йил 15 сентябрдан бошлаб пенсия ва ижтимоий ҳимояга муҳтож нафақа олувчилар, ногиронлиги бўлган шахслар учун темир йўл ва авиация чиптаси нархи 2 баробар арзонлаштирилгани ҳар йили минглаб фуқароларнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғи асосида шаҳар ва туманларга бириктирилган вилоятлар билан бирга 21 мингдан ортиқ уй-жой томини шиферлаш ҳамда авария ҳолатидаги, яшаш учун яроқсиз 709 та уй-жойни янгидан қуриш белгиланган. Бугун 17 мингдан зиёд уй-жой шиферланиб, 326 та иморатнинг янгидан қурилиши ижтимоий ҳимояга муҳтож юзлаб инсонлар ҳаётига мазмун олиб кирди.

Мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш, айниқса, хорижий сайёҳларга қўлай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам диққатга лойиқ. Бунинг амалий натижаси сифатида “Нукус — Мўйноқ”, “Нукус — Олмаота” ва “Нукус — Ақтаў” йўналишлари бўйича авиақатновлар, шунингдек, “Нукус — Мангистов” ва “Нукус — Урганч” йўналишида поезд қатнови йўлга қўйилди.

Президентимизнинг Қорақалпоғистонда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлаш учун янги имкониятлар яратишга доир тегишли фармони асосида 2025-2027 йилларда



ва Хўжайли туманларида 300 минг қолган туманларда 100 минг долларлик инвестиция лойиҳаларига ҳам ушбу тартиб жорий этилди.

Қорақалпоғистонда фаолият юритаётган саноат корхоналарига электр энергияси учун 15 фоизли имтиёз берилиши натижасида 2500 дан ортиқ корхонанинг ҳар ойда ўртача 4-5 миллиард сўмдан шу кунгача 30

Уларнинг самарали фаолиятини оммалаштириш мақсадида ҳар йили “Энг намунали кўчабоши” танлови ўтказилиб, голиблар рағбатлантириб келинмоқда.

Бундан ташқари, ўтган йили 89 оғир маҳалладаги хонадонлар томорқасининг суғорилишини яхшилаш учун 745 километр канал тозаланди, 102 километри бетонланди.

Президентимизнинг 2026 йил 21 февралдаги “Қорақалпоғистон Республикасини 2026 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва келгуси йиллар учун мўлжалланган дастурларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори тараққиётимиз йўлидаги янги имкониятлар эшигини очиб берди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун QR-КОДИНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Натижада фуқароларнинг томорқалардан қўшимча даромад олишига имконият яратилди. Қолаверса, маҳаллаларда аҳолининг деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишига яқиндан ёрдам кўрсатувчи 50 та сервис компания ташкил этилди.

Кенг қўламли ислохотлар ҳудудлар тараққиётини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва иқтисодий салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Бу жараёнда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Албатта, бу борада ҳудудни ривожлантириш юзасидан қабул қилинган қўллаб-қувватлаш ва қарорлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Маъруз ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қорақалпоғистонликларнинг ҳаётини яхшилаш, келажак авлод

учун ҳам муносиб шароит яратишга хизмат қилади.

Президентимизнинг 2026 йил 21 февралдаги “Қорақалпоғистон Республикасини 2026 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва келгуси йиллар учун мўлжалланган дастурларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори тараққиётимиз йўлидаги янги имкониятлар эшигини очиб берди.

Ҳужжатга кўра, 2026 йил якунига қадар янги маҳсулот ҳажмини 8,1 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришини 8 фоиз ошириш режалаштирилган. Шунингдек, ишчилик даражасини 4,2 фоизгача, камбағалликни эса 3,2 фоизгача камайтириш мақсад қилинган. Нукус шаҳри, Кўнгрот ва Чимбой туманлари ҳамда 109 маҳаллани ишчилик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш вазифаси қўйилган.

Кун мавзуси

ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК МИССИЯСИ

Бошланиши 1-бетда

Мазкур шароитда давлатимиз ўз фуқаролари тақдирини бефарқ қарамади. Тезкор дипломатик чора-тадбирлар, консуллик хизматларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ва фуқаролик авиацияси имкониятларидан самарали фойдаланиш натижасида қисқа вақтда кенг қўламли эвакуация ишлари амалга оширилди.

2026 йил 10 март ҳолатига кўра, Яқин Шарқ давлатларидан 25 мингдан зиёд ўзбекистонлик юртимизга қайтарилди. Улар орасида меҳнат мигрантлари, зиёратчилар, сайёҳлар, талабалар ва хизмат сафарига бўлган ватандошларимиз бор. Бу рақамлар оддий статистик маълумот эмас. Улар давлатимизнинг ўз фуқаролари олдидида масъулият, дипломатиямизнинг самардорлиғи ва консуллик хизматининг тезкор фаолиятини намоян этувчи кўрсаткичдир. Энг муҳими, мазкур жараён замонавий Ўзбекистон ташқи сиёсатининг инсон манфаатлари ва фуқаролар ҳақсизлигини таъминлашга қаратилган тамойиллари амалий натижа бераётганини кўрсатади.

Шу нуқтани назардан қараганда, Яқин Шарқ давлатларидан ватандошларимизни эвакуация қилиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар нафақат тезкор гуманитар операция, балки давлатнинг консуллик сиёсати, дипломатик имкониятлари ва институционал салоҳиятини намоян этган муҳим тажриба сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур жараёни тўлиқ англаш учун эса, аввало, Яқин Шарқ минтақасидида геосиёсий вазият ва ҳавфсизлик муҳитини таҳлил қилиш зарур.

Геосиёсий вазият ва ўзгариб бораётган ҳавфсизлик муҳити

Яқин Шарқ минтақаси тарихан халқаро сиёсатнинг энг мураккаб геосиёсий маконларидан. Ушбу ҳудуддаги сиёсий жараёнлар кўпинча фақат минтақавий давлатлар билан чекланиб қолмай, глобал ҳавфсизлик архитектурасига ҳам таъсир кўрсатади. Энергетика ресурслари, стратегик транспорт йўналишлари, диний ва маданий омишлар, шунингдек, катта геосиёсий рақобат элементлари бу минтақадиги барқарорликни доимий равишда синодан ўтказиб келмоқда.

Ҳатто қисқа муддатли сиёсий кескинлик ҳам транспорт коммуникациялари, савдо алоқалари ва меҳнат миграциясига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Юзага келган

вазият ана шу омилларнинг ўзаро таъсири натижаси сифатида шаклланди. Айрим давлатларда ҳавфсизлик чоралари қучайтирилиши, ҳаво ҳудудидан фойдаланишга чекловлар жорий этилиши ва халқаро авиақатновларнинг вақтинча қисқариши минтақадиги транспорт логистикасига жиддий таъсир кўрсатади. Халқаро авиация соҳасида юзага келган шундай чекловлар минглаб одамларнинг ҳаётини қўйиб қўйди.

Яқин Шарқ дунёдаги энг йирик авиация хабаридан. Дубай, Доха, Абу-Дабби, Жидда ва Ар-Риёд каби шаҳарлардаги халқаро аэропортлар глобал авиация тармоғининг муҳим узелларини ташкил этади. Осиё, Европа ва Африка ўртасидаги кўплаб парвозлар айна шу нуқталар орқали амалга оширилади. Шу сабабли мазкур минтақадиги ҳаво ҳудудлари билан боғлиқ ҳар қандай чеклов бутун халқаро авиация тизимига таъсир кўрсатиши мумкин.

Минтақадиги вазият меҳнат миграцияси билан боғлиқ жараёнларга ҳам бевоқиф таъсир кўрсатади. Яқин Шарқ давлатлари, айниқса, Саудия Арабистони, БАА ва Қатар халқаро меҳнат бозорининг муҳим марказларидан. Бу мамлакатларда дунё бўйлаб миллионлаб меҳнат мигрант фаолият юритади ва улар орасида Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон фуқаролари ҳам катта улушини ташкил этади.

Сўнгги йилларда юртдошларимизнинг мазкур мамлакатларда меҳнат қилиши салмоғи сезиларли даражада ошди. Бу, аввало, ушбу давлатлардаги иқтисодий ривожланиш суръати, йирик инфратузилма лойиҳаларининг кўпайиши ва меҳнат бозорига хорижий ишчи кучига талабнинг ортиши билан изоҳланади. Шу билан бирга, зиёрат туризмнинг фаолияти ҳам бу минтақадиги ўзбекистонлик мигрантларнинг кўпайтиришига муҳим омиллардан.

Ҳавфсизлик билан боғлиқ ҳар қандай инқироз ёки транспорт коммуникацияларидиги узилиш минглаб фуқаролар учун тизимли муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Бундай шароитда давлатлар олдида икки муҳим вазифа юзага келади. Биринчиси, ўз фуқароларининг ҳавфсизлигини таъминлаш. Иккинчиси, уларнинг ватанга қайтиши учун зарур ташкилий ва дипломатик шароитларни яратиш. Бу эса тезкор қарор қабул қилиш, халқаро ҳамкорлик механизмларидан самарали фойдаланиш ва транспорт логистикасини қайта ташкил этиши талаб қилади.

Яқин Шарқ минтақасида юзага келган мазкур вазият яна бир муҳим ҳусосани кўрсатади: глобаллашув шароитида ҳавфсизлик муаммолари фақат муайян давлат ёки ҳудуд билан чекланиб қолмайди. Улар кўпинча бутун халқаро транспорт ва иқтисодий тизимга таъсир кўрсатади. Шу бос, давлатлар ўз ташқи сиёсатида фуқаролар ҳавфсизлиги масаласига алоҳида эътибор қаратиши, консуллик хизматлари фаолиятини қучайтириши ва фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлиши зарур.

Ўзбекистоннинг мазкур вазиятдаги ҳаракатлари айна шу тамойилларга асосланди. Минтақадиги геосиёсий вазиятнинг мураккаблигига қарамадан, давлатимиз томонидан тезкор дипломатик чора-тадбирлар кўрилди, консуллик хизматлари фаолияти қучайтирилди ва фуқароларни ҳавфсиз ҳудудлар орқали ватанга қайтариш бўйича амалий механизмлар ишга туширилди. Бу жараён нафақат фавқулодда вазиятга берилган тезкор жавоб, балки мамлакатимиз ташқи сиёсатининг инсон манфаатларини устувор қўйишига асосланган стратегик йўналишини ҳам яққол намоян этди.

Айна шу нуқтада давлатлараро ҳамкорлик ва олий даражадаги дипломатик мулоқотлар ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Шу билан, эвакуация жараёнининг муваффақиятини тушуниш учун мазкур даврда ўрнатилган дипломатик алоқаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Яқин Шарқ давлатларидан юртимиз фуқароларини ҳавфсиз ҳудудлар орқали ватанга қайтариш жараёни фақат тежкор ёки логистик чора-тадбирлар билан чекланиб қолгани йўқ. Бу жараёнда олий даражадаги сиёсий мулоқотлар, давлат раҳбарлари ўртасидаги ишонч ва дипломатик ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Минтақадиги мураккаб вазият шароитида авиақатновлар, транзит йўналишлари ва фуқаролар ҳаракатланиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш кўп ҳолларда давлатлараро муносабатлар даражасидиги келишувларни талаб қилади.

Шу нуқтани назардан қараганда, мамлакатимиз етакчисининг Яқин Шарқ давлатлари раҳбарлари билан телефон орқали мулоқотлари эвакуация жараёнининг муваффақияти ташкил этилишида муҳим сиёсий ва дипломатик омил бўлди. Хусусан, мазкур жараёнда Умон Султони Ҳайсам бин Тарик, Бирлашган Араб Амириклари Президенти



Ойбек ҚўШБОҚОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси хузуридаги Парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи

Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳён, Кувейт Давлати Валиаҳди Шайх Сабоҳ Холид ал-Ҳамад ас-Сабоҳ, Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний, Баҳрайн Подшоҳи Ҳамад бин Исо Ол Халифа, Иордания Подшоҳи Абдулла II билан телефон орқали мулоқот қилинди. Ушбу суҳбатларда минтақадиги вазият, ҳавфсизлик масалалари ҳамда фуқароларнинг ҳавфсиз ҳаракатланиши таъминлаш билан боғлиқ амалий чора-тадбирлар муҳокама марказида бўлди.

Аввало, бу мулоқотлар давлатлар ўртасидаги сиёсий ишонч ва стратегик шериклик муносабатларининг амалий кўринишидир. Халқаро муносабатлар амалиётида фавқулодда вазиятларда давлат раҳбарлари даражасида тўғридан тўғри мулоқот энг самарали дипломатик воситалардан бири ҳисобланади. Бундай мулоқотлар орқали муҳим қарорлар тезкор қабул қилиниши ва зарур амалий механизмлар ишга туширилиши мумкин.

Иккинчидан, бу мулоқотлар давлатимиз ташқи сиёсатининг сўнгги йилларда шаклланиган прагматик ва очик дипломатия модели амалий натижа бераётганини яна бир бор намоян этди. Мамлакатимиз Яқин Шарқ давлатлари билан сиёсий, иқтисодий ва гуманитар

соҳаларда кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйди.

Мазкур дипломатик мулоқотлар давлатимиз ташқи сиёсатининг муҳим хусусиятларидан бири — ишончга асосланган дипломатия тамойили самардорлигини кўрсатади. Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг Яқин Шарқ давлатлари билан ўрнатилган конструктив муносабатлари нафақат иқтисодий ва сиёсий соҳалар, балки фавқулодда вазиятларда ҳам амалий самара бермоқда.

Амалий механизмлар ва институционал салоҳият

Яқин Шарқ давлатларидан мамлакатимиз фуқароларини олиб келиш жараёнида консуллик дипломатияси ва транспорт логистикаси ўзаро уйғун ҳолда ишлагани алоҳида эътиборга лойиқ. Фавқулодда вазиятларда фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш фақат сиёсий қарорлар билан чекланиб қолмайди. Бу жараён амалда қатор ташкилий, ҳуқуқий ва техник механизмларни ишга тушириши талаб этади. Шу нуқтани назардан қараганда, мазкур эвакуация операцияси давлат бошқаруви тизими, дипломатик хизматлар ва транспорт инфратузилмасининг мувофиқлаштирилган фаолиятини намоян этган муҳим тажриба сифатида баҳолашни мумкин.

Замонавий халқаро муносабатлар тизимида консуллик дипломатияси давлат ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири. Агар дипломатиянинг анъанавий вазифалари давлатлараро сиёсий мулоқотни таъминлашдан иборат бўлган бўлса, консуллик дипломатиясининг асосий вазифаси хориждаги фуқаролар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш ва зарурат тутилганда ҳавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Бу борада халқаро ҳуқуқий асослар ҳам аниқ белгилаб берилган. 1963 йилда қабул қилинган Вена консуллик муносабатлари тўғрисидаги конвенция давлатларга хориждаги ўз фуқаролари манфаатини ҳимоя қилиш ҳуқуқини беради. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, консуллик муассасалари фавқулодда вазиятларда фуқароларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ва зарур ҳолларда эвакуация ишларини ташкил қилишда иштирок этиши мумкин.

Қарорда 2030 йилга мўлжалланган стратегик кўрсаткичлар ҳам белгиланган. Унга мувофиқ, янги ҳудудий маҳсулот ҳажмини 102,4 триллион, қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришини 28,9 триллион сўмга етказиш режалаштирилган. Саноат ва хизматлар соҳасида жами 7,2 миллиард доллар қийматидаги лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Қолаверса, экспорт ҳажмини 900 миллион долларга етказиш, сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга 5 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестициялар жалб қилиш орқали мавжуд имкониятлардан фойдаланиш даражасини ўн баравар ошириш, қайта тикланувчи энергия манбалари улушининг умумий генерация қувватидаги салмоғини 70, аҳоли пунктларининг марказлашган ичимлик суви таъминининг 83,5 фоизга етказиш белгиланди.

Қарор доирасида бошқарув тизимида ҳам ўзгаришлар бўлади. Хусусан, Вазиirlар Кенгаши Раисининг экология ва Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозими тугатилиб, ўрнига яйловлардан самарали фойдаланиш, чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш ва чорвачиликни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосар лавозими жорий этилади.

Шунингдек, қарорга асосан, “Беруний Агро Стар” МЧЖ томонидан лойиҳавий ёндашув асосида Кўнгрот, Чимбой, Беруний, Кегейли, Бўзатов, Конликўл, Шуманай ва Мўйноқ туманларидаги 33 маҳаллада тупроқ ва сув таҳлилини ўтказиш, арзон нархларда сифатли чорва озуқа уруғини етказиб бериш ҳамда зарур техника ва агроном хизматларини кўрсатиш ишлари бажарилади. Кўнгрот, Чимбой, Беруний, Бўзатов ва Конликўл туманларида чорва озуқасини етиштириш, сақлаш, қадқоқлаш қувватларини ишга тушириш ва аҳолига етказиб бериш тизими йўлга қўйилади.

2026 йил якунига қадар Беруний туманида йиллик қуввати 36 минг тонна бўлган чорва ва балиқ озуқасини ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий агромажмуа лойиҳаси ишга туширилади.

2026-2028 йилларда Қорақалпоғистонда 10 минг гектарда чорва озуқаси етиштириш чоралари кўрилади. Бунда сунъий интеллект технологиялари ёрдамида ўсимликларнинг ўсиш жараёни мониторинг қилинади ва касалликларни эрта аниқлаш чораси кўрилади ҳамда замонавий сув тежовчи технологиялардан фойдаланилади.

Бундан ташқари, 2026-2030 йилларда Нукус шаҳри атрофида 15 минг гектар (шундан 3000 гектарига даррахт ва бутта экилади) майдонда “яшил белбоғ”лар барпо этилади ва бўлинишига қарши курашиш тадбирлари ўтказилади.

Барча соҳа ривож, қўллаб янги имконият ҳамда имтиёзларни қамраб олган ушбу тарихий қарор ҳудудда янги иш ўрнилари очади, аҳоли фаровонлигини оширади, Қорақалпоғистондаги кенг қўламли бунёдкорлик ишларини янги босқичга олиб чиқади.

Юртимизда консуллик хизматини модернизация қилишга қаратилган қатор институционал ислохотлар ўтказилди. Дипломатик ваколатхоналарнинг моддий-техник имкониятлари кенгайтирилди, рақамли консуллик хизматлари жорий этилди, хориждаги фуқаролар билан алоқа механизмлари такомиллаштирилди. Бу ислохотлар, айниқса, фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракатланиш имкониятини яратиш нуқтани назардан муҳим аҳамият касб этди.

Яқин Шарқдаги вазият кескинлашган даврда айна шу механизмлар ишга туширилди. Дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари фуқаролар билан тўғридан тўғри мулоқот ўрнатиб, уларнинг жойлашуви ва ҳаракатланиши имкониятлари ҳақида маълумотлар тўплади. Бу маълумотлар эвакуация операциясини режалаштириш ва амалга ошириш учун муҳим ахборот базаси вазифасини ўтади.

Эвакуация жараёнининг муҳим босқичларидан бири фуқароларни рўйхатга олиш ва уларнинг ҳаракатланишини мувофиқлаштиришдир. Минтақадиги турли шаҳарларда бўлиб турган фуқароларни бир нуқтага жамлаш, уларнинг ҳужжатлари ва транспорт имкониятларини аниқлаш ҳамда ҳавфсиз маршрутларни белгилаш каби масалалар катта ташкилий ишлари талаб қилади. Бу жараёнда консуллик муассасалари асосий мувофиқлаштирувчи бўлин вазифасини бажарди.

Умуман олганда, мазкур эвакуация жараёни мамлакатимиз ташқи сиёсатида сўнгги йилларда шаклланиган инсонпарварлик тамойиллари ва прагматик дипломатия моделининг амалий самарасини кўрсатади. Давлатнинг ўз фуқаролари ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган бундай ҳаракатлари жамиятнинг давлатта ишончини мустаҳкамлайди, халқаро майдонда мамлакат образини оширади ва миллий дипломатия институтининг нуфузини қучайтиради.

Глобаллашув шароитида одамларнинг халқаро ҳаракатланиши ортиб бораётган бир пайтда фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масаласи келгусида ҳам давлат сиёсатида муҳим ўрин тутаяди. Шу билан, консуллик хизматлари имкониятини янада кенгайтириш, дипломатик ваколатхоналар тармоғини ривожлантириш ва фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракатланиш механизмларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолади.

Яқин Шарқ давлатларидан юртдошларимизни эвакуация қилиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар мамлакатимизда фуқаролар ҳавфсизлиги ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этаётганини яна бир бор тасдиқлайди. Бу жараён давлат ва фуқаро ўртасидаги ишонччи мустаҳкамлаш, дипломатик институтлар самардорлигини ошириш ва Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш нуқтани назардан ҳам муҳим.



Шарҳ

РИВОЖЛАНИШ БАРЧАГА ДАҚЛДОР БЎЛГАНДАГИНА

УМУММИЛЛИЙ ЮТУҚКА АЙЛАНАДИ



Сардор ТОЛИБОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бегда

Бошқарув сифати — ҳал қилувчи омил

Йиғилишда билдирилган фикрлардан аниқлашдики, масала фақат макроекономик қўрсаткичларда эмас. Энди эътибор марказида бошқарув сифати турибди. Ҳар бир вазир, ҳоким ва тармоқ раҳбари соҳасига янги ҳаёт ҳақида олиб кириши, ресурслардан самарали фойдаланиши, анъанавий экспорт бозорларига боғлиқ бўлмай, янги йўналишлар очиб кераклиги алоҳида таъкидланди. Бу талаб тасодифий эмас. Чунки замонавий иқтисодиётда ресурс етарли бўлиши муваффақиятнинг кафолатламайди. Мухими — ресурслар қандай фойдаланиши. Бошқарув эски услубда қолса, ҳатто катта инвестиция ҳам кутилган самарани бермайдди. Аксинча, тўғри ташкил этилган тизим кам имконият билан юқори натижа бера олади.

Рақамлаштириш ва сунъий интеллект бўйича мутахассисларни жалб қилиш, инновациялар киритиш, стартап бўлажак орқали ёшларни иқтисодий жараёнларга қўшилиш вазири фақат йўналиш иқтисодиёти келажакка мослаштириш ҳаракатидир. Чунки глобал рақобат энди арзон ҳомаиш ёки арзон ишчи кучи орқали эмас, балки билим ва технология орқали кечмоқда. Агар иқтисодиёт инновацияни қабул қилмаса, у ташқи бозорларда позициясини йўқота бошлайди.

Стратегик корхоналар самардорлиги алоҳида муҳокама қилинган бежиз эмас. Йирик корхоналар иқтисодиёт устундир. Агар уларда харажатлар ортиқча, логистика самарасиз, харид тизими шаффоф бўлмаса, бу бутун иқтисодий занжирга таъсир қилади. Миллий инвестиция жамғармасини бошқаришга жалб этилган “Franklin Templeton” компанияси таҳлилларида корпоратив маданият, логистика, рақамлаштириш ва энергия самардорлиги бўйича катта захиралар мавжудлиги қайд этилган шунга кўрсатадики, муаммо ресурс етishмаслиги эмас, тизим самардорлигида. 19 та стратегик корхонага таннарх 10-15 фоиз қисқартириш вазири фақат йўналиш эса жиддий сигнал. Бу рақамлар оддий кўрсаткич эмас, рақобатбардошлик масаласидир.

Мухим жиҳат шундаки, иқтисод қилиш ишлаб чиқаришни қисқартириш орқали эмас, балки таннархни камайтириш орқали таъминлашни шартлиги таъкидланди. Бу принцип ёндашув. Чунки ишлаб чиқаришни қисқартириш қисқа муддатли осон ечим бўлиши мумкин, аммо у ўсишни секинлаштирилади. Таннархни тушириш самардорлигини оширишни талаб қилади. Бу эса тизимни ислоҳ қилиш демак.

Стратегик корхоналарни “Ягона газначилик” ахборот тизимига улаш ва харидларнинг риск-таҳлил асосида тоифалаш ташаббуси ҳам молиявий интизомни кучайтиришга қаратилган. Чунки замонавий иқтисодиётда ҳар бир ортиқча харажат йўқотилган имкониятдир.

Худудий sanoat масаласида билдирилган танқидлар эса яна бир муҳим нуқтани очиб беради. Республика sanoati уч йилда 21 фоиз ўсган бўлса-да, айрим туманларда ўсиш 10 фоизга ҳам етмаган. Бу номуносиватли тизимдаги ички фарқларни кўрсатади. Кредит ва инвестициялар ўсиши sanoat ўсишига тўлиқ таъсир кўрсатаётгани маълум бўлган ўзи етарли эмаслигини аниқлади. Мухими, унинг йўналтирилиши ва назорати.

Республика sanoatини камида 8,5 фоиз ошириш бўйича тармоқбай ва худудбай режалар тасдиқланши, биринчи чорак якунларига қараб раҳбарлар фаолиятига баҳо берилиши натижа учун жавобгарлик механизмини кучайтиришидир. Иқтисодиётда интизом бўлмаса, стратегия ишламайди.

Бу чоралар иқтисодий ўсиш эндиликда фақат ҳажм эмас, бошқарув сифати масаласига айланмоқда. Агар бошқарув янгиликлар, тизим шаффоф ва самарали бўлса, мавжуд ресурсларнинг ўзиёқ юқори ўсиш учун етарли бўлиши мумкин.

2026 йил учун 6,6 фоизли эҳтиёткор прогноз белгилаш ҳам реал вазиятни ҳисобга

олган ёндашув. Бугунги ноаниқ геосийосий муҳитда ҳаддан ташқари оптимистик режалар хавфли бўлиши мумкин. Иқтисодиётда энг нозик чизиқ ўсиш ва барқарорлик ўртасидаги мувозанатдир. Тезлик ортиши мумкин, аммо мувозанат йўқолса, тизим издан чиқади.

Қиймат учун кураш

Йиғилишда автомобилсозлик соҳаси алоҳида тилга олинди. Юртимизда йилга 650 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга 4 та йирик корхона мавжуд. Бу йил ишлаб чиқаришни 510 мингга етказиш вазири фақат йўналиш. Шунингдек, 300 дан зиёд маҳаллий корхона билан кооперация асосида яна 763 та детални маҳаллий ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Бу рақамлар шунчаки sanoat статистикаси эмас. Автомобилсозлик — кўп тармоқли занжир. У металлургия, кимё, электроника, логистика ва хизматлар соҳасини бирлаштиради. Демак, бу ерда гап фақат автомобиль сони эмас, балки бутун sanoat экотизими ҳақида бормоқда. Агар деталлар маҳаллийлашса, қўшилган қиймат мамлакат ичиде қолади. Агар кооперация чуқурлашса, кичик ва ўрта бизнес sanoat занжирига боғланади. Шу нуқтага назардан, 763 та янги деталь бу — импортни қисқартириш эмас, иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш қадами.

Аҳоли талабини рағбатлантириш учун автокредит ставкаларини пасайтириш ва ҳажмини ошириш вазири фақат йўналиш. Бу ерда нозик мувозанат бор. Талабни сунъий рағбатлантириш қисқа муддатда ишлаб чиқаришни ошириши мумкин. Лекин молиявий барқарорлиқни ҳисобга олмасдан қилинган қадим инфляция ёки қарз юки ортишига олиб келиши эҳтиомдан холи эмас. Шунинг учун кредит сисмати реал даромадлар динамикаси ва бозор имкониятлари билан уйғун бўлиши шарт. Иқтисодиётда талаб ва таклиф мувозанати бузилса, ўсиш барқарор бўлмайди.

Йиғилишда инвестиция сисматини тубдан қайта қўриб чиқиш масаласи ўртага ташлан-



рақам тизимдаги бошқарув нуқсонларини кўрсатади. 165 миллиард долларлик 377 та стратегик лойиҳани алоҳида назорат олиш режаси эса шундан хулоса чиқарилганини аниқлади. Чунки катта инвестиция — катта масъулият.

Умуман олганда, бу кўрсатмалар бир нарсани аниқлади: иқтисодий сисбат энди “кўпроқ жалб қилиш” эмас, “тўғри йўналтириш” босқинчиқа ўтмоқда. Sanoat ва инвестиция масаласида асосий кураш ҳажм учун эмас, қўшилган қиймат учун кечади. Қиймат мамлакат ичиде яратилса ва ташқи бозорга



ди. Жорий йил 50 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиш режаси белгилаб қўйилди. Лекин бу ерда энг муҳим жиҳат кўйилди эмас, сифат. Янги лойиҳалар, биринчи навбатда, юқори қўшилган қийматли, экспортбон маҳсулот ишлаб чиқариши, ресурслардан самарали фойдаланиши ва юқори даромадди иш ўринлари яратиши кераклиги таъкидланди.

Бу ёндашув инвестицияга қараш ўзгараётганини кўрсатади. Илгарги инвестиция ҳажми асосий кўрсаткич бўлган, энди эса унинг иқтисодиётга қанча қиймат қўшаётгани ҳал қилувчи мезонга айланмоқда. Чунки паст қўшилган қийматли лойиҳалар кўп иш ўрни яратиши мумкин, аммо узоқ муддатда рақобатбардошлиқни таъминламайди.

Вазирлар ва ҳокимлардан ҳар бир лойиҳанинг бозори, экспорти, қўшилган қийматли ва яратадиган иш ўринлари бўйича чуқур таҳлил талаб қилиниши ҳам шу нуқтага назардан муҳим. Инвестиция қурилишни бошлаш эмас, балки маҳсулотни бозорга олиб чиқишдир. Лойиҳа ишга тушириш дегани, у иқтисодиёт учун қиймат яратди дегани эмас. Қиймат маҳсулот сотилганда, экспорт қилинганда ва даромад тақдирини юзага чиқади.

Шу мақсадда “Ягона миллий лойиҳа бошқаруви” платформасини жорий этиш режаси билдирилди. Лойиҳани ишга тушгандан кейин уч йил давомида мониторинг қилиш механизми масъулиятни чуқурлаштиришидир. Чунки кўп ҳолларда муаммо лойиҳани бошлашда эмас, унинг барқарор ишланиши таъминлашда юзага чиқади. Назорат тизими бўлмаса, инвестиция рақамда қолиб кетиши мумкин.

Утган йили 55 та йирик лойиҳа ташкили муаммолар сабаб кечиккани қайд этилди. Бу

рақам тизимдаги бошқарув нуқсонларини кўрсатади. 165 миллиард долларлик 377 та стратегик лойиҳани алоҳида назорат олиш режаси эса шундан хулоса чиқарилганини аниқлади. Чунки катта инвестиция — катта масъулият.

Умуман олганда, бу кўрсатмалар бир нарсани аниқлади: иқтисодий сисбат энди “кўпроқ жалб қилиш” эмас, “тўғри йўналтириш” босқинчиқа ўтмоқда. Sanoat ва инвестиция масаласида асосий кураш ҳажм учун эмас, қўшилган қиймат учун кечади. Қиймат мамлакат ичиде яратилса ва ташқи бозорга

Бироқ қурилиш ҳажмини оширишнинг ўзи етарли эмас. Сифат, шаффофлик ва самардорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу нуқтага назардан, худудлардаги “Ягона бюрократизм” инжиниринг компаниялари назоратини кучайтириш, айрим худудларда хусусий секторни жалб қилиш ташаббуси рақобат ва жавобгарлик муҳитини кенгайтиришга қаратилган. Давлат бюрократизми катта бозор, лекин у самарали бошқарилмаса, ресурс исрофига айланиши мумкин.

Энергия тежамкорлиги ва маҳаллий маҳсулот сисмати

Энергия самардорлиги бўйича берилган кўрсатмалар эса иқтисодий сифатни оширишга қаратилган стратегик йўналишидир. Кичик ва ўрта корхоналарнинг энергия истеъмоли катта улушини ташкил этиши ҳисобга олиниб, улар учун алоҳида тизим жорий этиш ва уч йиллик дастур ишлаб чиқиш белгилангани муҳим қадам. 2026 йилда 100 миллион куб метр газ ва 500 миллион киловатт-соат электрни тежаш режаси оддий иқтисод эмас. Бойси, энергия тежаш — ишлаб чиқаришни қисқартириш эмас, балки самардорлиқни ошириш. Агар корхона қанча энергия сарфлаб, худди шу ҳажмда ёки ундан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқара оласа, унинг таннархи пасаяди, рақобатбардошлиги ортади. Демак, энергия сисмати sanoat сисмати билан узвий бўлади.

Умуман олганда, бу қарорлар бир жиҳатни кўрсатади: иқтисодий ўсиш эндиликда фақат ҳажм ортиши билан эмас, ресурслардан оқилона фойдаланиш билан баҳоланмоқда. Ташқи келишувлар географияни кенгайтирса, ички интизом барқарорлиқни таъминлайди. Иқтисодиётнинг мустаҳкамлиги айнан шу икки омил — ташқи оқинлик ва ички самардорлик ўртасидаги мувозанатга боғлиқ.

Республикамиздаги 917 мингта ёритиш чирогининг йилига 330 миллион киловатт-соат электр сарфлаётгани, кундуз кунчи ҳам ёниқ қолиш ҳолатлари учраётгани қайд этилди. Бу рақамлар фақат статистика эмас, у иқтисодий энергиянинг самарасиз сарфланиши ва технологияларнинг қўлланишини кўрсатади. Энергия иқтисодиётида ҳар бир киловатт ҳисобланади, чунки у истеъмолчилардан то стратегик корхоналарга ҳар бир соҳада харажатларни белгилайди.

Масъул ташкилотларга ёритиш устунларига кичик қуёш панели, батарея ва кун ёришишига қараб ўзи ўчиб-ёндаган датчик ўрнатиш топширилди. Бу қарор оддий “тежаш” чораси эмас, балки иқтисодиётда технологик трансформациянинг намунаси: ҳар бир ресурсдан оқилона фойдаланиш, самардорлик ва барқарорликка интилиш. Шунингдек, бундай янги ёндашув шаҳар муҳитини ҳам ижтимоий ва экологик самарани оширади, чунки энергия тежаш фақат иқтисодий кўрсаткич эмас, экологик масъулиятнинг белгиси ҳамдир.

Маҳаллий маҳсулотлар улушини ошириш масаласи алоҳида муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, давлат харидларининг умумий ҳажми 300 триллион сўм бўлиб, унда маҳаллий маҳсулотлар улуши 68 фоизга етган. Тадбиркорлар томонидан эса бюрократия ва эски қарашлар — “чет элники сифатлироқ” фикри ҳануз сақланиши айтиб ўтилди. Бу эса ички бозорда самардор рақобатни чеклайди, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришга тўсиқ бўлади.

Йиғилишда вазирлар, тармоқ раҳбарлари ва ҳокимларга топшириқ берилди: ҳар бир лойиҳа, тендер, қурилиш ва ҳомаиш таъминоти босқинчиликда маҳаллий маҳсулот улу-

шини ошириш учун шахсан жавобгарлик олиши. Бу ёндашув шунчаки кўрсаткичларга эришиш эмас, балки давлат харидларини иқтисодий ва стратегик инструмент сифатида самарали қўллаш демакдир.

Шу нуқтага назардан қараганда, энергия самардорлиги ва маҳаллий маҳсулот сисмати — иқтисодий барқарорлиқнинг икки томони. Биринчи ресурсларни тежаш, иккинчиси ички бозорни мустаҳкамлайди. Агар бу икки механизм уйғунлашса, иқтисодий ўсиш фақат ҳажмда эмас, сифатида ҳам намоён бўлади.

Иқтисодий ўсишни ташқи бозорлар ҳисобига таъминлаш масаласи алоҳида йўналиш сифатида кўрилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “ички бозордаги талабнинг ўзи билан юқори иқтисодий ўсишни таъминлаб бўлмайди”. Чунки ички талаб бир нуқтада чекланади, ундан ортиқ эса стратегик ўсишни таъминламайди. Шу боис, янги маҳсулотлар ва янги бозорлар — иқтисодий ривожланишнинг ҳал қилувчи драйвери ҳисобланади.

Утган йили экспорт 22 фоиз ўсиб, 24 миллиард долларга етган бўлса-да, кўп раҳбарлар эски иш услубидан воз кеча олмаётгани мисоллар билан кўрсатилди. Бу иқтисодий тажрибанинг икки томонини очиб беради: бир томондан, кўрсаткичлар ўсиши самарали; иккинчи томондан, янги технология ва бозор стратегиялари қўлланилмаса, юқори ўсиш барқарор бўлмайди. Шу нуқтага назардан, эндиликда экспорт талаби фақат ҳажм эмас, янги маҳсулот ва янги бозорларга ҳам боғланган. Бу иқтисодиётда сифат ва ҳажмнинг уйғунлиги, барқарор ўсишнинг шартидир.



Ички бозорни барқарорлаштириш алоҳида муҳим вазири фақат. Январ ойида йиллик инфляция 7,2 фоизни ташкил этгани, унинг 45 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобига, айниқса, 13 фоиз гўшт нархи орқали шаклланиши қайд этилди. Бу рақамлар инфляция ҳам иқтисодий сисматга боғлиқ жараён эканини кўрсатади. Шу боис, тармоқ бозорлари ҳамда меҳнат унумдорлиги марказига ички ва ташқи хатарларни олдиндан аниқлаш, туман ва шаҳар бозорларини ҳар ҳафта таҳлил қилиш, талаб прогнозини шакллантириш, ҳар чоракда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари балансини ишлаб чиқиш вазири фақат юқори бўлади.

Шу нуқтага назардан қараганда, ташқи бозорларни кенгайтириш ва ички нарх

барқарорлигини таъминлаш иқтисодий ўсишнинг бир-бирига боғлиқ икки устунидир. Агар экспортда янги стратегиялар йўлга қўйилса ва ички бозорда тартиб сақланса, иқтисодий ривожланиш барқарор бўлади.

Нарх барқарорлиги ва даромад

Йиғилишда қишлоқ ҳўжалиги соҳаси алоҳида эътиборга олинди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ички нарх барқарорлиги ва аҳоли даромадларини таъминлашда қишлоқ ҳўжалиги стратегик аҳамиятга эга. Нархларнинг кескин қўрилиши иқтисодий кўрсаткичларга таъсир қилиб, ижтимоий барқарорлик ва аҳоли ишончини ҳам синайди.

Гўшда импортга қарамликни қисқартириш учун озуқа базасини мустаҳкамлаш масаласи алоҳида тилга олинди. Муборак туманида 5 минг гектар ер фойдаланишига киритилиб, маккажўҳори экиш бошлангани намуна сифатида келтирилди. Жорий йилда эса қўшимча 60 минг гектарда шу ишлар ташкил этилиши лозимлиги кўрсатилди. Бу орқали қўшимча 350 минг чорва учун кафолатланган озуқа базаси яратилди.

Бу жараён фақат экин майдонини кенгайтириш эмас, балки иқтисодий барқарорлик пойдеворини мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатдир. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳар бир гектар, ҳар бир тонна маҳсулот фақатгина ҳосил эмас, у орқали аҳоли даромади ва импортни қисқартириш имконияти ҳам яратилади. Шу нуқтага назардан, озуқа базасини кенгайтириш ички иқтисодиёт, нарх ва таъминот мувозанатини қуришни таъминлайдиган инструментдир.

Шунингдек, картошка маҳсулоти мисоли ҳам аҳамиятга олинди. Утган йили 772 минг тонна картошка импорт қилинган бўлса, жорий йилда 4,5 миллион тонна ҳосил олиш вазири фақат йўналиш. Бу импортга қарамликни қисқартириш, ички бозорда нархларни барқарорлаштириш ва аҳолига арзон маҳсулот тақдим этишига қаратилган комплекс чорадир.

Бир сўз билан айтганда, юртимиз иқтисодий сисмати энди фақат ҳажм ва кўрсаткичларни оширишга эмас, тизимни барқарорлаштириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қўшилган қиймат яратишга қаратилган стратегик йўналишга ўтмоқда. Йиғилишда таъкидланганидек, иқтисодий ўсишнинг сифати ва давомийлиги бошқарувнинг самардорлигига, ички ва ташқи бозорлардаги мувозанатга, энергия ва меҳнат унумдорлигига боғлиқ. Ташқи инвестициялар ва янги бозорлар иқтисодий диверсификацияни таъминласа, ички нарх барқарорлик, маҳаллий маҳсулотлар улуши ва энергия самардорлиги барқарор ўсишнинг мустаҳкам пойдеворини яратлади.

Қишлоқ ҳўжалиги, sanoat ва хизматлар соҳасидаги стратегик чоралар кўрсатадики, иқтисодиёт нафақат кўпроқ ишлаб чиқаришни, балки ҳар бир ресурсдан максимал қиймат олишни максат қилади. Маҳаллийлаштириш, энергия тежаш, рақамлаштириш



ва инновациялар жорий этилиши иқтисодий тизимнинг самардорлигини оширади, ташқи бозорлар билан рақобатбардош позицияларни мустаҳкамлайди.

Шу боис, мамлакатнинг иқтисодий ўсиши эндиликда оддий статистика эмас, балки стратегик онг ва тизимли мувозанат натижадир. Барқарор иқтисодиёт ялпи ички маҳсулот ҳажми, ресурслардан оқилона фойдаланиш, сифатли бошқарув ва узоқ муддатли барқарорлиқнинг бирлашган натижасидир. Умуман олганда, келажакдаги иқтисодий муваффақиятлар экспортни кенгайтириш ва ички бозорни тартибга солиш, самарали бошқарув, инновациялар ва қўшилган қиймат яратиш орқали шаклланади.



4

Тараддуд

ЎЗГАРАЁТГАН ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ

ЕРГА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ МЕҲНАТ ВА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИК



Зиёдбек ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент вилояти камбағалликни қисқартриш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Сўнгги йилларда дунёда кузатилаётган айрим воқеалар айнан шу ҳақиқатни янада яққол кўрсатмоқда. Баъзи давлатлар ички бозорини ҳимоя қилиш мақсадида экспорт чекловларини жорий этмоқда, бошқалари эса маҳсулот етиштириш ҳажмини ўз ичига эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тартибга солимоқда. Бундай ҳолатлар эса озиқ-овқат масаласида ташқи бозорларда ортиқча таяниш қанчалик хавфли эканини кўрсатади. Шу боис, ҳар бир давлат ўз имкониятларини ишга солиб озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга интилади.

Бундай шaroитда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, томорқадан самарали фойдаланиш ва ҳар бир қаринг ҳисобини олиш алоҳида аҳамият касб этади. Бежиз “Ер — элнинг бойлиги” деган нақл халқимиз орасида асрлар давомида яшаб келаятгани йўқ. Ер инсон меҳнати билан уйғунлашгандагина бойликка айланади. У оила фаровонлиги манбаи, халқ турмуш даражасининг асоси ва давлат иқтисодий барқарорлигининг мустақкам пойдеворидир.

Мамлакатимизда ерга муносабат тобора ўзгариб бормоқда. Илгари кўпчиликнинг томорқасида беда, маккажўхори, асосан, қорва учун етиштирилган бўлса, бугун деҳқон ва фермерлар ердан самарали фойдаланишга интилмоқда. Кўплаб хўжалиқларда бир йил давомида бир неча марта ҳосил олиш амалиёти кенгайиб бормоқда. Сабзавот, полз ва боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш ҳажми ортиб, ички бозор билан бир қаторда ташқи бозорларга ҳам чиқаришмоқда.

Бу жараён, ўз навбатида, қишлоқ аҳолиси даромадини ошириш, янги иш ўринлари очиб ва камбағалликни қисқартришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Томорқа маданиятининг шаклланиши эса меҳнатга муносабатини ҳам ўзгартирмоқда. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш, аҳоли томорқаларидан унумли

фойдаланиш, янги даромад манбаларини яратиб ва камбағалликни қисқартриш йўналишида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда аҳолини қўллаб-қувватлаш, фермер ва деҳқонлар фаолиятини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада ердан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида замонавий техникаларни қўллаш имконияти кенгайиб бормоқда.

Ерга меҳнат ва билим билан ёндашиш фаровонликка элтувчи йўлдир. Бу борада юртимизда қилинаётган ишлар аниқ натижаларга қаратилган. Жумладан, 2026 йилда биргина Тошкент вилоятининг 883 маҳалласидаги аҳолига тегишли 32 минг 315 гектар томорқа ҳамда 19 минг 736 гектар деҳқон хўжалиқларига ижарага берилган ер майдонида баҳорги экинлар экиш режалаштирилган. Бу орқали юқори даромадли, экспортбоп ва бозор талабига мос маҳсулотлар етиштириш кўзда тутилмоқда. Ушбу сый-ҳаракат минглаб оилаларнинг даромадини ошириш, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда аҳолини қўллаб-қувватлаш, фермер ва деҳқонларни ҳар томонлама рағбатлантириш ҳамда қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш мақсадида кенг қамровли имтиёз ва субсидиялар тизими жорий этилмоқда. Бу ташаббуслар орқали ҳар бир оила ўз меҳнати самарасини кўриш, ердан унумли фойдаланиш ва барқарор даромад манбаига эга бўлиш имкониятига эга бўлмоқда. Аслида, бу фақат иқтисодий қўллаб-қувватлов билан чекланмайди. У қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, бандликни таъминлаш ва жамиятда меҳнатга муносабатини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муҳим ижтимоий жараёндир.

Масалан, намунавий ва инновацион лойиҳалар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача грантлар ажратилган ердан самарали фойдаланишга қаратилган илгор гоиларни қўллаб-қувватлаш имконини



беради. Бундай молиявий кўмак фермер ва деҳқонларнинг янги технологиялар ва самарали иш услубларини синая кўриши, аграр соҳада инновацион ёндашувларни татбиқ этишига шaroит яратди. Шунингдек, тажрибали деҳқонларни рағбатлантириш мақсадида 2 миллион сўмдан 75 миллион сўмгача субсидия ажратиш амалиёти йўлга қўйилган. Бу эса уларнинг амалий тажрибасини янада кенгайтириш, ердан унумли фойдаланишга қаратилган самарали усулларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади. Чунки қишлоқ хўжалигида муваффақият фақат ерга эгалик қилиш билан эмас, балки билим, тажриба ва меҳнатни уйғунлаштириш олиши билан белгиланади.

Қисқа муддатли ўқув курслари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараварига маблағ ажратилиши ҳам фермер ва деҳқонлар малакасини оширишга қаратилган муҳим чоралардан. Чунки ер билан ишлаш доимий билим ва тажриба талаб қилади. Агар унга фақат ресурс сифатида қаралса,

ернинг имкониятлари тўлиқ очилмайди. Ерга билим ва масъулият билан ёндашилса, ҳақиқий бойлик манбаига айланади.

Қишлоқ хўжалигида сув таъминоти масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, вертикал сўғориш қудуқлари харажати тўлиқ қопланиши, қудуқ бургилаш ҳамда кўеши панеллари ўрнатиш чикмининг 70 фоизгача қисми субсидия қилиниши фермер ва деҳқонлар учун муҳим имкониятлар омақда. Бу орқали ердан самарали фойдаланиш, сўғориш тизимларини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигида энергия тежамкор технологияларини жорий этиш мумкин.

Узумчилик, боғдорчилик ва томчилик сўғориш тизимларини татбиқ этиш учун молиявий кўмак ажратилиши ҳам аграр соҳа модернизациясига хизмат қилади. Бу каби чоралар ердан самарали фойдаланиш маданиятини шакллантириш, юқори ҳосилдорликка эришиш ва қишлоқ аҳолиси даромадини оширишга қаратилган. Қолаверса, 7 йилгача имтиёзли кредитлар ва 5 йилгача лизинг асосида замонавий техника ҳамда ускуналар ажратилиши фермер ва деҳқонлар фаолиятини янада кенгайтиради.

Имкониятлар билан бирга маъсулият ҳам ортомқда. Томорқа ва ижара ерларидан самарали фойдаланиш устидан ҳар чоракда мониторинг ўтказилиши шундан далолат беради. Ер майдонлари қаровсиз қолдирилса, имтиёзлар бекор қилиниши, кредит маблағи ажратилмаслиги ёки солиқ миқдори оширилиши мумкин. Бу ҳолат барча фуқарога бир ҳақиқатни эслатади: ерга эгалик қилиш ҳуқуқи меҳнат ва масъулият билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳар бир оила ўз томорқасидан ва берилган ердан унумли фойдаланишга интилиши, ер билан ишлаш маданиятини шакллантириш зарур. Шу маънода, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳамдир. Ана шундангина ернинг қиймати намоён бўлади, оилалар фаровонлиги ошади ва мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш мумкин.

Инновацион ўсиш модели



Деҳқончилик, азалий касб-кор. Аммо бир қарашда жўн туюладиган бу ишни ҳамма ҳам уддалай олмайди. У, аввало, билим, сабр-бардош, узлуксиз меҳнат талаб этадиган юмушлар сирасига қиради. Чунки бу йўлда самарали меҳнат қилаётган уста деҳқонлар вақтининг қадрига етади, ундан унумли, мақсадли фойдаланиш йўлларини излайди.

САНОАТЛАШАЁТГАН ТАРМОҚ

Бу хусусида сўз айтганда, фарғоналик томорқачиларнинг амалий иш тажрибаси эътиборга молик. Кейинги йилларда томорқадан бир неча бор ҳосил олиш ва мўмай даромадга эга бўлиш борасида янги иш тажрибалари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Катта-кичик гап-гаштакларда сўхбат мавзуси, албатта, деҳқончилик, томорқачиликдан мўл даромад олиш, оила фаровонлиги, ҳудудлар ободлиги ҳақида бўлади, тажриба алмашилади.

Деҳқончиликда инновацияларни жорий этиш борасидаги ютуқлар салмоғи йилдан йилга ортиб бормоқда. Натижада маҳаллардаги пастқам, пахса деворли уйлар ўрнида замонавий мейморчилик андозалари билан уйғунлашган, шинам хонадонлар бўй кўрсатмоқда. Деярли ҳар бир оила замонавий автомашинага эга бўляпти.

Фарғона тумани “Фарғона” маҳалла фуқаролар йиғинида бу борада кўплаб ибратли ишлар қилинмоқда. Худуддаги

ва кимёвий ўғит, зарур анжомлар етказиб бериш сингари қўшимча хизматлар йўлга қўйилган.

— Саксондан ортиқ хонадон томорқасидаги иссиқхоналарда бодринг, помидор, қалампир ва бошқа цитрус мевалар етиштирилади, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Улуғбек Иброҳимов. — Утган йили иссиқхона қуриш истагини билдирган ташаббускор 10 кишига 200 миллион сўмлик кредит берилди. Бунинг ҳисобига 20 дан ортиқ одамнинг бандлиги таъминланиб, доимий даромадга эга бўлди. Жорий йилда яна 30 хонадонда иссиқхоналар ташкил этиш юзасидан микролойиҳалар ишлаб чиқилди.

Иссиқхона шaroитида юқори ҳосил олиш учун ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш, фитосанитария талабларига амал қилиш жуда муҳим. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан “Долзарб 30 кунлик” тадбири эълон қилинди. Унинг доирасида “Карантин хизмати — деҳқонга кўмакчи” шiori остида ҳудудлардаги иссиқхоналарда зарарли организмларга қарши уйғунлашган кураш чоралари қўрилмоқда.



810 та хонадон эгалари томорқачиликни барқарор даромад манбаи деб билади. Бу ерда киши фаслида ҳам бодринг, помидор, қалампир етиштириш оммалашган. Жумладан, Алишер Акбаров адирларда иссиқхона ташкил қилиш борасида тажриба тўплаган деҳқонлардан. У 50 сотих ерда бодринг, 1 гектар ерда қалампир парвартириб келади.

— Мавсумда 25 тонна бодринг, 20 тоннадан зиёд қалампир ҳосили оламиз, — дейди деҳқон. — Кейинги йилларда иссиқхоналар фаолиятини ривожлантириш, қўллаб-қувватлашга эътибор ошди. Энергия таъминоти, солиқ соҳасидаги имтиёзлар ҳам фаолиятимиз самарали бўлишида ўзига ҳос таянч вазифасини ўтаётти. Маҳаллий бозордан ташқари Европага ҳам маҳсулот етказиб беришни кўзлашмиз. Бунинг учун имкониятлар етарли. Ҳозирда Нидерландиядан олиб келинган бодринг навларини маҳаллий шaroитда синовдан ўтказяпмиз. Натижа кутилганидек. Янги навлар иқлим шaroитимизга мос келди. Ҳосилдорлиги юқори. Бундан ташқари, табиий биологик ўсимчлар билан бойитилган экологик тоза органик сабзавотлар етиштириш устида ишляпмиз.

Маҳалла фуқаролар йиғинида бундай инновацион гоиларни тарғиб этиш, илгор тажрибаларни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Аҳолига деҳқончилик маданиятини ошириш, томорқадан унумли фойдаланиш

— Карантин инспекторлари жойларга бориб, сайёр, мобил лаборатория орқали агрокластер, фермер ва деҳқон хўжалиқлари ҳамда аҳоли томорқаларидаги иссиқхоналарда фитосанитария ҳолатини назорат қилляпти, — дейди Фарғона тумани фитосанитария лабораторияси мудири Абдурауф Махсудов. — Асосий мақсад иссиқхонада етиштирилаётган сабзавот ва цитрус экинларини зарарли ҳашаротлардан ҳимоялаш ва уларга қарши курашиш юзасидан иссиқхона эгаларига керакли тавсия, тушунчалар беришдир. Бу амалий чора-тадбирлар фитосанитария жиҳатидан тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмини ва сифатини ошириш, экспорт миқдорини қўлайитириш имконини беради.

Фарғона вилоятидаги 260 гектардан ортиқ майдонда сааноатлашган замонавий иссиқхоналар ташкил этилган. Уларда нафақат ердан унумли фойдаланиш, балки йил давомида бозориг сабзавот маҳсулотларини етиштириш мумкин. Мазкур иссиқхоналар майдонининг катта қисми аниқ ихтисослашув асосида фаолият юритаётгани иқтисодий барқарорлик, озиқ-овқат хавфсизлиги ва ижтимоий фаровонликни таъминлашга хизмат қилаёттир. Айни кунларда инновацион лойиҳалар асосида 86 гектар ерда помидор, 24 гектарда бодринг, 4 гектарда булғори ва аччиқ қалампир етиштириляпти.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ислом молияси: ИНВЕСТИЦИЯ ОҚИМИ ЯНАДА КўПАЯДИ

Фикр

Кундалик ҳаётимиздаги ўзаро муносабатларнинг бир қисми пул, молиявий олд-бердилар билан боғлиқ. Инсон қайси соҳада фаолият юритмисин, бевосита бу жараёнда қатнашади. Ислом динида ҳам кундалик ҳаётда кўп учрайдиган молиявий масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келинади.

Ислом молияси, оддий қилиб айтганда, шариат талаблари доирасида фаолият юритилган молиявий тизимдир. Унинг ўз талаблари бор. Асосий тамойилларидан бири фонд ҳамда таваккалчиликнинг тақиқланишидир. Ўз навбатида, ислом молия тизими фойда ва зарар бўлиши ҳамда реал активларга асосланган молиялаштиришни назарда тутишини айтиб ўтиш лозим. Аънаънавий банк тизимидан фарқли равишда унда фойда шерикчиликка асосланади. Айтайлик, банк мижоз талаби ҳамда молия маҳсулотлари турига қараб унга ускуна, товар, хомашё олиб бериши ёки ўша нарсаларни ижара асосида тақдим этиши мумкин. Мазкур молиялаштириш негизида савдо амалиёти ётади. Бу ҳолатда банк билан қарз олувчи лойиҳа муваффақияти ва самарадорлигида тенг ҳуқуқли бўлиб, фойдага ҳам, зарарга ҳам манфаатдор шерикларга айланади.

Шу ўринда ислом молиясига таалуқли айрим асосий атамалар билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бундай сўзлардан бири — рибо, халқона айтганда “судхўрлик”. У тижорини ва молиявий муаммоларда шариат рухсат бермаган фонд ёки ортиқча даромад ундиришни англатади.

Иккинчиси, мушоракка. “Шерикчилик қилиш” маъносини билдиради. Тижорат ва савдо талқинида эса ҳамкорларнинг олинган фойда ва зарарни баҳам кўрувчи шерикчилигига айтилади. Учинчиси, музораба. Шерикчиликнинг махсус тури бўлиб, унда бир томон иккинчи томоннинг тижоратига сармоя киритиш билан ҳамкорлик қилади. Сармоя киритиш “раббул мол” деб аталувчи биринчи шерик томонидан амалга оширилса, иш юритиш “музориб” деб номланувчи иккинчи томоннинг мажбурияти бўлади. Мушоракка ва музораба қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади: мушораккада сармоя барча шериклар томонидан киритилса, музорабада фақат раббул молнинг вазифаси бўлади. Мушораккада барча шериклар иш бошқариш ва юритишда қатнашиши мумкин, аммо музорабада бизнес бошқаруви фақат музориб қўлида бўлади ҳамда раббул молнинг бунга ҳаққи бўлмайди.

Мушораккада қўрилган зарар барча шерик киритган сармояларнинг улушига мутаносиб равишда бўлинади. Музорабада эса музориб сармоя киритмагани туфайли зарар раббул мол зиммасида бўлади. Музорибнинг кўрган зарари унинг қилган меҳнати фойдасиз тугаллангани билан чекланади. Туртинчиси, муроба. У фикрий тушунча бўлиб, муайян нарса-буюмни сотишда қўлланадиган шартномага айтилади. Молиялаштириш фаолиятига унинг алоқаси йўқ. Сотувчи муайян мол таннаҳнинг устига фойда устамасини қўйиб харидорга сотишни келишса, кифоя. Муроба ҳам савдосининг асосий моҳияти шундаки, сотувчи савдо молини таннаҳини ва қўйилаётган устамани харидорга очик-ойдин билдиради. Бундан ташқари, муроба ҳам савдосида тўлов савдо бўлиши билан дарҳол амалга оширилиши ёки томонлар келишувига кўра кечиктирилиши мумкин. Шариятда олд-сотди дуруст, яъни тартиб-қондаларга мувофиқ бўлишининг асосий талабларидан бири — савдо молни сотувчининг жисмоний ёки амалда тасаруфиди бўлмоғи лозимлиги. Умумий қондаларга истисно тариқасида шариятда салам ва истисно савдоларига рухсат берилган.

Эътиборлиси, ислом молиясининг ҳар жабҳада фойдали эканини бугун ривожланган Фарб давлатлари ҳам тан олмақда. Мисол сифатида кейинги йилларда Германия иқтисодий қонунчилиги шаръий молия қондаларига мувофиқлаштирилаётганини айтиш мумкин. Исломга тарихан алоқадор бўлмаган миллатлар ҳам молия тизимининг ушбу шакли



Хуршид АСАТУЛЛАЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

фойдали эканини тан олаётган экан, нега энди биз бунга интилаймик?

Бироқ ҳар қандай янгиликни амалга татбиқ этиш ўзига яраша қийинчиликларни бартараф этишни талаб қилгани каби ислом молиясини юртимизга олиб киришда айрим ҳал қилиниши зарур масалаларга дуч келишимизни оддий ҳол сифатида қабул қилиш даркор.

Дарвоқе, ҳал қилиниши керак бўлган энг асосий масала мамлакатимиз қонунчилиги билан боғлиқ. Зеро, мамлакатимизда айнан

ислом иқтисодиёти ёки ислом банклари фаолияти ва бошқа кўринишдаги ҳаракатларнинг тартибга солинишига қаратилган махсус қонунчилик етарли даражада шакллантирилмаган.

Мамлакатимизда исломий молиялаштириш ишлари 2004 йилда бошланган, бу Ўзбекистоннинг Ислом тараққиёт банки аъзолиги қўшилгани билан боғлиқ.

Бугун дунё бўйича фаолият юритаётган 300 дан зиёд исломий банк ва молия муассасаларининг ялли активи 2,5 триллион доллардан ошиб, бу кўрсаткич йилдан йилга ўсмоқда. Шу маънода, мусулмон давлатлардаги фаолият исломий молиялаштиришга асосланган ташкилотлар маблағини Ўзбекистон иқтисодиётига, хусусий секторни қўллаб-қувватлашга жалб этиш аини мудоао эканлигини билдирмоқда. Бунинг учун эса, аввало, мамлакатимиз қонунчилигидаги банк тизимига таалуқли ҳужжатларни ислом молиясига оид қўшимча бандлар билан тўлдириш лозим. Шундан юртимизда исломий молия тизими тамойилларига жавоб берадиган банкларни ташкил этиш имконияти туғилади.

Бир қанча араб мамлакатлари сармоядорлари юртимизда фаолият юритишни мақсад қилиб, катта миқдордаги сармоя киритиш истагини билдирган. Бу лойиҳаларнинг амалга ошишига юртимиздаги қўлай муҳит, хусусан, исломий молия ташкилотларининг мавжудлиги бевосита таъсир кўрсатади. Иқтисодий жиҳатдан етакчи араб дунёси банклари Ўзбекистонга кирса, ислом молияси тартибларини мамлакатимизда ишлашига ишонч ҳосил қилиши лозим. Бу борадаги ишонч эса озаки ваъдалар эмас, балки қонуний нормалар ёрдамида вужудга келади. Шундай экан, мамлакатимизга исломий молия ташкилотларини жалб этиш ишларини зудлик билан бажариш керак.

Олий Мажлис Сенатининг ўн учинчи ялли мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистонда

исломий банк фаолиятини жорий қилишга қаратилган ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун маъқулланди. Олий Мажлис Сенати кўмита раиси Эркин Гадовнинг қайд этишича, микромолия ташкилотлари томонидан исломий молия хизматлари кўрсатилиши учун ҳуқуқий асос 2024 йил июлда яратилганга қарамай, исломий молия хизматларини солиққа тортиш масалалари ҳал этилмагани (солик нейтраллиги таъминланмагани) сабабли мазкур хизматларнинг микромолия ташкилотлари кредит портфелидаги улуши атиги 3,8 миллиард сўмни ёки 0,04 фоизни ташкил этилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, қонун билан исломий банк фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва банклар томонидан исломий молия хизматлари кўрсатилиши тартиби белгиланмоқда. Режага мувофиқ, 2027 йилда битта тижорат банки ислом молияси маҳсулотларини тақлиф қила бошлайди. 2029-2030 йилларга бориб қамда унча банк ислом молияси талабларига мувофиқ хизматлар кўрсатиши режалаштирилган. Молиялаштириш давлат субсидиялари ҳисобидан эмас, балки банкларнинг ўз маблағи асосида амалга оширилади.

Марказий банк ҳисоб-китобларига кўра, 2030 йилга бориб Ўзбекистонда 10 тагача ислом банки фаолият юритиши мумкин. Шу билан бирга, қатор анъанавий банклар, жумладан, унча давлат банклар мавжуд маҳсулотларига қўшимча равишда ислом ойналарини жорий этиши кутилмоқда.

Ислом молияси учун аниқ ва тушунарли тартибга солиш тизими Ўзбекистонни Кўрфаз давлатлари, Малайзия ва бошқа ислом молияси марказлари учун янада жозибадор қилади. Инвестициялар оқимининг кенгайишига замин ҳозирляйди. Қолаверса, ислом молияси мамлакат молия тизимининг қўшимча устунига айлиниб, инклюзив ўсиш ва узоқ муддатли инвестицияларни қўллаб-қувватлаши мумкин.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ВАЗИФАМИЗ — ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУЎАНДИСЛАР ТАЙЁРЛАШ



Камолхон КАРИМОВ,
Тошкент давлат техника университети хузуридаги илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бегда

Бугун эса илм-фан йўлига кириб, илмий изланишлар қилётган ёшларимиз йўлига ҳеч ким гов бўлолмайди, аксинча, улар учун алоҳида имтиёз, рағбат ва кўплаб имкониятлар мўжайё. Жумладан, Президентимиз илк бор БМТ Бош Ассамблеяси минбарига туриб ёшлар сиёсати масаласини кўтариб чиққани ва бу ташаббус жаҳон ҳамжамияти томонидан катта эътирофга сазовор бўлганини таъкидлаш керак. Жорий йил Тошкентда Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати Бош қароргоҳи ташкил этилиши, Самарқанд шаҳрида Ёшлар парламенти аъзоларининг 12-глобал конференцияси ўтказилиши каби қатор ташаббуслар ушбу жараённинг барқарор ва давомли эканидан дарак.

Ёшлар билан бу сафарги очик мулоқотда белгилаб берилган устувор вазифалар Учинчи Ренессанс ижодкорлари ва бунёдкорларининг келажакка парвозини таъминлайдиган фундаментал асосга эга. Уларни кўллаб-қувватлаш, билим олиши, замонавий касб-ҳунар эгаллаши, тадбиркорлик ва инновацион фаолият билан шугулланиши учун кенг имконият яратишга замин ҳозирланмоқда. Хусусан, “Келажакка қадам” дастури олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Чунки олдимизда Ўзбекистон тараққиётини таъминлайдиган юқори малакали муҳандислар тайёрлаш учун фундаментал ва умуммуҳандислик фанларини чуқур ўзлаштирган билимли, ташаббускор ва рақобатбардош кадрларни етказиб бериш вазифаси турибди. Бу эса,

ўз навбатида, таълим тизими самарадорлиги ва ишлаб чиқаришнинг аниқ мақсадларига йўналтирилгани билан бевосита боғлиқ.

Шу ўринда яқин ўтмишга қайтиб, бир воқеани эсламоқчиман. 2016 йил 15 июнь кунини Тошкент давлат техника университетининг кенгайтирилган илмий кенгаши ўтказилди. Ўшанда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасида ишлаётган Президентимиз Шавкат Мирзиёев қатнашди. Йиғилишда техника фанлари соҳасида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш масалалари бўйича ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдирдим. Шунда у киши менга — илмий



даражалар берувчи илмий кенгаш раисига қуйидаги муҳим топшириқни берган эди: “Менга битта фан докторини тайёрлаб берингки, у дунё олимлари билан бемалол бўйлаша оладиган олим бўлсин”. Аини кунга келиб, олийгоҳимизда ҳудди шундай юқори салоҳиятли авлод камол топаётганига асло шубҳам йўқ.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, Президентимизнинг илмий даражалар беришининг икки поғонали тизимига ўтишга доир қарори чиқди. Яъни, аввало, тегишли фан соҳасида фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертацияларини тайёрлаш ва химояларини ўтказиш лозим. Шундан кейин илмий даража олиши учун изланувчиларга талабар ҳам кучайди. Илмий кенгашимиз техника фанларига ихтисослашган. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотчиларимиз ва илмий раҳбарларига қатор муҳим талаблар қўйилди. Ўтган даврда кенгашимизда 150 дан ортққ фалсафа ва фан доктори диссертациялари ёқланди. Олимларимизнинг илмий ишлари ва монографиялари жаҳонда импакт фактори юқори

бўлган журналлар ҳамда тўпламларда чоп этилди. Кўплаб устозларимиз дунёнинг етакчи 1000 талигига кирувчи университетлари билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бориб, маърузалар қилмоқда. Ёш олимларимиз ҳам техника ва технологияси ривожланган мамлакатларда ўқиб, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар ўтказяпти.

Шунингдек, бугун Тошкент давлат техника университети халқаро таълим майдонида интеграция жараёнини чуқурлаштириш, илғор хорижий тажрибани жорий этиш ҳамда рақобатбардош юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида дунёнинг нуфузли олий таълим муассасалари билан қўшма ҳамда дуал таълим дастурларини фаол амалга ошириб келмоқда. Университет қатор нуфузли хорижий таълим муассасалари билан 2+2 ва 1+1 формаларидаги қўшма таълим дастурлари орқали талабаларга халқаро мезонларга мос таълим олиш, икки томонлама дипломлар ва амалий тажрибага эга бўлиш имконини берди. Беларусь давлат технологиялар уни-

верситети, Беларусь миллий техника университети, Москва энергетика институту каби олийгоҳлар билан ҳамкорлик шулар жумласидан.

2024/2025 ўқув йилидан эътиборан, дуал таълим шаклида ҳамкорлик қилувчи корхоналар сонини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон технологик металлургия комбинати, “Veolia Energy Tashkent”, “Zavod NVA” каби корхоналарда ўқув йили давомида талабаларнинг амалиётини дуал таълим тизими асосида йўлга қўйилди.

2023-2025 йилларда эса “Uzbekistan-GTL”, Тошкент металлургия заводи, Тошкент труба заводи, Олмалик кон-металлургия комбинати, Навоий кон-металлургия комбинати, “Худудий электр тармоқлари”, “Зарафшон электр шаомол станцияси”, “AgroTechKlaster”, “ENTER STEEL”, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солинш агентлиги, “ADM Jizzakh”, “BYD Uzbekistan” каби корхона ҳамда заводлар билан ҳамкорликда дуал таълим йўлга қўйилган. Профессор-ўқитувчиларнинг ишлаб чиқаришдаги стажировкаси ҳамда корхона-

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институтида Италиянинг Тушиа университети билан ҳамкорликда қўшма кампус ишга тушди. Мазкур ташаббус ўтган йилнинг 28-29 май кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Италия Бош вазири Жорж Мелонининг Самарқандда бўлиб ўтган учрашувида илгари сурилиб, икки давлат ўртасидаги илм-фан, таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг янги йўналиши сифатида белгиланган эди. Шундан сўнг Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазири ва Италиянинг Тушиа университети ўртасида расмий келишув имзоланди. Бугун ушбу ташаббус амалда.



Италия билан алоқалар олий таълим тизимида ҳам муस्ताҳкамланаётганини англатади



Шавкат ҲАСАНОВ,
Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти ректори, профессор

Келишувга кўра, институтимизда икки бакалаврият ва икки магистратура йўналишида қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилди. Жумладан, бакалаврият босқичида агрономия, озиқ-овқат технологияси таълим йўналишлари, магистратура босқичида эса органик деҳқончилик ва биоиктисодиёт (циркуляр иқтисодиёт) мутахассисликлари ташкил этилди.

Ривожланган мамлакатларнинг олий таълим тизимида қўшма кампус лойиҳаси ҳам мавжуд. Республикаимизда эса хорижий олий таълим муассасасининг қўшма кампуси илк бор йўлга қўйилди. Хорижий олий таълим муассасаси филиалидан қўшма кампуснинг фарқли жиҳати шундаки, у юридик шахс мақомида бўлмайди. Аммо ҳамкор муассаса билан биргаликда келишув асосида кадрлар тайёрлаб, қўшма лойиҳаларни амалга оширади.

Қўшма таълим дастури халқаро стандартлар, икки томонлама ўқув режалари ва ўқитиш методикалари асосида кеади. Талабалар ўқини жараёнида икки давлатдаги таълим муассасаларида навбатма-навбат тахсил олиши, ўқув дастури якунига кўра эса ҳар икки олий таълим муассасаси томонидан тан олинмаган диплом берилиши белгиланган. Қўшма кампус Ўзбекистон аграр таълим тизими ривожига янги босқични бошлаб бериб, мамлакатимиз ёшларига дунё даражасида билим олиш ва халқаро тажрибага эга бўлиш имкониятини тақдим этади. Шунингдек, талабаларга Италияда амалиёт ўташ, халқаро илмий тадқиқотларда иштирок этиш ва академик тажриба алмашишга шароит яратяди.

Ушбу кампусда тахсил олаётган талабаларга дарслар маҳаллий ўқитувчилар қаторида италиялик профессор-ўқитувчилар томонидан тўғридан тўғри ҳамда онлайн тарзда ўтилади. Қолаверса, институтимиз Италиянинг бошқа олий таълим муассасалари билан ҳам ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Масалан, жорий йилнинг 18-19 февраль кунлари



Ҳамкорлик

Рим шаҳрида Италия — Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорларининг II форуми бўлиб ўтди.

Форумда Италия Университетлар ва тадқиқотлар вазирлиги, Ўзбекистон Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, CRUI — Италия университетлари ректорлари конференцияси, шунингдек, икки давлатнинг етакчи олий таълим муассасалари раҳбарлари

ва вакиллари иштирок этди. Дастур доирасида ялпи мажлис, қўшма илмий танлов натижаларини тақдим этиш, голиб лойиҳаларни эълон қилиш ҳамда икки томонлама келишувларни имзолаш маросимлари ўтказилди. Шунингдек, форум доирасида Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти ҳамда Италиянинг Тушиа, Пиза ва Падуа университетлари билан истиқболли ҳамкор-

“ ҚЎШМА КАМПУС ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРИБ, МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИГА ДУНЁ ДАРАЖАСИДА БИЛИМ ОЛИШ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАГА ЭГА БЎЛИШ ИМКОНИЯТИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ.

даги муаммолар асосида илмий тадқиқотлар ўтказиши бўйича ижобий натижаларга эришилган. Масалан, Навоий кон-металлургия комбинатида қатор кафедраларимиз филиали мавжуд. Навоий машинасозлик заводида эса ТДТУ хузуридаги илмий даражалар берувчи илмий кенгаш учун алоҳида жой ажратилган. У ерда 5 нафар таянч докторантимиз ишлаб чиқариш муаммолари билан узвий боғланган ҳолда илмий ишнини бажармоқда. Корхона кафедраларнинг ўқув жараёнида қўллаш учун 24 турдаги маҳсулот намуналари ва қолип ашёларини беғараз берган. Ўзаро хўжалик шартномалари асосида жами 5 миллиард сўмликдан зиёд иқтисодий самарадор 16 та янги технология ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Шунингдек, “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти билан тузилган хўжалик шартномалари асосида 2 миллиард сўмликдан ортққ иқтисодий самарага эга 9 та, Ўзбекистон металлургия комбинати билан эса жами 4,5 миллиард сўмлик 14 та янги технология ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Мазкур ижобий натижалар билан бирга илмий кенгаш фаолиятида айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Хусусан, машинасозликда материалшунослик, қўймачилик, металлургия термик ва босим остида ишлов бериш, қора, рангли ва ноёб металлургияси, камб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси, механизмлар ва машиналар назарияси, шунингдек, машина деталлари ихтисосликлари бўйича ёқланган диссертацияларнинг аксариятида илмий натижалар ишлаб чиқаришга тавсия этилган корхоналарнинг аклари мавжуд ва иқтисодий самарадорлик ҳам кўрсатилган. Шунга қарамай, молиявий тушум бўлмаган. Тадқиқотчилар хулосасига кўра, ишлаб чиқариш корхоналари тушумлар бўйича имконияти чегараланганини таъкидламоқда. Илмий кенгаш раҳбарияти ва илмий раҳбарлар корхоналарга бориб, бу масалаларни ҳал этиш устида ишлаяпти. Лекин ҳамма оғирликни тадқиқотчиларга ташлаб қўйиш ҳам яхши амалиёт эмас. Буни бартараф этиш учун илмий кенгаш раҳбариятининг фаолиятини ошириш шар.

Яна бир камчилик, конструкциялар материалларга ишлов бериш технологиялари ва ускуналари ихтисослигидан ҳозиргача бирорта ҳам диссертация ёқланмагани билан боғлиқ. Вақоланки, ушбу ихтисосликка ҳар йили таянч докторантурага қабул бўйича имтиҳонлар ўтказилиб, муастакл тадқиқотчилик номзодлар тавсия этилмоқда. Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун университетнинг тегишли бўлимлари, деканатлар ва кафедралар ҳамжиҳатликда ишларни фаоллаштириши лозим.

Умуман олганда, ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам ўзимизники — мана шу халқ, шу ватанга дахлдор. Асосийси, ҳар қадамимиз, ҳар бир хатти-ҳаракатимизда буни ёдда тутсақ, бас. Биз — профессор-ўқитувчилар, устоз-мурабийлар юқори малакали кадрларни тайёрлашда, биринчи галда, уларни кўллаб-қувватлаб, салоҳиятини намоеён этишига имкон қадар яхшироқ шароит яратишимиз ва бу борада давлатимиз раҳбарининг топшириқларини дастуриламал қилиб олишимиз зарур. Таълим-тарбия сифатини янада ошириш, хорижий олий технологияларни жалб қилиш, замонавий лабораториялар ва коворкинг марказлари фаолиятини кенгайтириш устувор вазифамиз бўлиб қолмоғи лозим. Шундангина ёшларимиз халқаро доирада “Мен Ўзбекистон фарзандиман”, деб гуруру билан ўз илмий ишларини маъруза қилаётган ва улар жаҳон илмий ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган бир паллада “Бу ишларда менинг ҳам ҳиссам бор”, дея фахрлинига маънавий ҳаққимиз бўлади.

илмий тадқиқот ҳамда қўшма илмий ташаббусларни йўлга қўйишга келишиб олинди. Талабалар, профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимларнинг академик мобиллигини, қўшма кампус доирасида таълим дастурларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат тизимлари, инновация, рақамли трансформацияни илгари суриш каби мақсадларни қамраб олган битим имзоланди. Бундан ташқари, институтимиздаги қўшма кампусда грант асосида “Sendvich PhD” курси ташкил этилаётган бўлди.

Пиза университети билан “Farm2App — даладан дастурхонгача: барқарор озиқ-овқат таъминоти занжирини такомиллаштириш ва ўқитиш учун ўйинга асосланган рақамли ёндашувлар ҳамда инновацион экотизим” мавзусидаги грант лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувга эришилди. Лойиҳа икки давлат томонидан молиялаштирилади. Падуа университети ҳамда Италия миллий тадқиқотлар маркази билан муайян лойиҳани грантга қайта тақдим этиш ва қўшма ишчи гуруҳ ташкил этиш бўйича келишувга эришилди.

Форум доирасида институтимиз битирувчиларининг Тушиа университетидаги ўқини жараёни, илмий фаолияти ва яшаш шароити билан танишдик. Ҳозир мазкур университетнинг магистратура босқичида Қишлоқ хўжалиги вазири гранти асосида 5 битирувчимиз тахсил олмақда.

Сафар доирасида Тушиа университетида қўшма кампус доирасида янги таълим йўналишларини очиб, қўшма PhD дастурини йўлга қўйиш, Erasmus+, Horizon Europe ва бошқа халқаро дастурлар доирасида қўшма лойиҳалар тайёрлаш, академик мобилликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Музокара натижасида 2026 йил март ойида қўшма таълим йўналишларига қабул эълон қилиш, 2026 йил якунига қадар қўшма докторлик дастурини ишга тушириш, профессор-ўқитувчилар мобиллиги борасида янги келишув имзолаш ва илмий лойиҳалар бўйича қўшма ишчи гуруҳ тузишга келишилди.

